

ЎЗБЕК ВА ХИТОЙ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ: БАДИИЙ ТАРЖИМАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14600458>

PhD. Наргиза ИСМАТУЛЛАЕВА,
ТДШУ доценти, Тошкент, Ўзбекистон.

Тел.: 99 867 10 88.

E-mail: ismatullayeva.nargiza@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақола XX-XXI асрларда амалга оширилган ўзбек ва хитой адабиёти намуналарининг таржимаси масалаларига бағишланган. Тадқиқот манбаси сифатида “Жаҳон адабиёти” журналининг 1999-2024 йилларда нашр этилган хитой-ўзбек бадиий таржимачилигига оид 19 та сони, шунингдек, икки тилда яратилган асарларнинг китоб шаклидаги таржима наشري хизмат қилади. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида дескриптив, жадваллаштириш ва статистик методдан фойдаланилган. Олинган натижалар таржимашунослик соҳасидаги келгуси тадқиқотларга йўналтирувчи вазифасини бажаради.

Калит сўзлар: адабий алоқалар, таржимачилик фаолияти, билвосита таржима, бевосита таржима, наср таржимаси, назм таржимаси.

Аннотация. Данная статья посвящена переводу образцов узбекской и китайской литературы, переведённые в XX-XXI веках. Источником исследования служат 19 номеров журнала «Всемирная литература», опубликованные в 1999-2024 годах на китайско-узбекском художественном переводе, а также переведённые издания произведений, созданных на двух языках. При проведении исследования использовались описательные и статистические методы. Полученные результаты служат ориентиром для будущих исследований в области переводоведения.

Ключевые слова: литературные связи, переводческая деятельность, косвенный перевод, прямой перевод, прозаический перевод, стихотворный перевод.

Abstract. This article focuses on the translation of Uzbek and Chinese literary works conducted in the 20th and 21st centuries. The study material comprises 19 issues of the journal «World Literature» focusing on Chinese-Uzbek literary translations published between 1999 and 2024, along with book-format translations of works produced in both languages. This research employed descriptive, tabular,

and statistical methodologies. The findings acquired provide a framework for subsequent investigations in translation studies.

Keywords: literary relations, translation activity, indirect translation, direct translation, prose translation, poetry translation.

Кириш. Турли халқлар ўртасида маданиятлараро мулоқотни ўрнатиш, улар орасидаги ўзаро маданий-маърифий, адабий муносабатларни яхшилаш мақсадида бадиий таржима фаолияти йўлга қўйилган. Бадиий таржима воситасида турли миллатлар бир-бирини яқиндан танийди, хусусан, умумий ва миллий кадриятлар, ҳар бирининг ўзига хос дунёқараши, турмуш тарзи, ахлоқ тизими, миллатга хос психологик хусусиятлар, урф-одатлар ўзаро ўрганилади. Натижада ҳосил бўлган тасаввурлар юзага келиши мумкин бўлган маданий шокларнинг олдини олиш учун ҳам хизмат қилади.

Маълумки, ўзбек тили ва хитой тили ўртасида катта тафовутлар мавжуд бўлиб, ушбу фарқлар маданий ўзгачалик, дунёқараш, яшаш тарзи, концептлар манзараси туфайли юзага келади. Ана шу тафовутларни илғаш ҳамда уни таржимада тўғри ва адекват тарзда бериш эса таржимондан лисоний ва ғайрилисоний билимларни талаб этади [1, 226].

Ўзбек ва хитой халқининг бадиий таржима воситасида ўзаро танишуви борасидаги ишлар ўтган асрдан бошлаб тез суръатларда ўсганини кўриш мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик давригача бўлган хитойча-ўзбекча, ўзбекча-хитойча таржималарнинг аксарияти билвосита таржима сирасига киради. Бунда асосан воситачи тил рус тили ҳисобланади.

Х.Ҳамидов бир мақоласида XX асрнинг 50–60-йилларида ўзбек тилига ўгирилган хитой адабиёти намуналари рўйхати [2, 441–442]ни келтиради. Ушбу рўйхатда Хэ Цзинчжи, Дин И, Лу Синь, Хуа Шань, Чжао Шу Ли, Мао Дунь, Сан Шань Фей, Ба Цзинь, Лао Шэ, Ли Бай, Го Можо сингари машҳур хитой ёзувчи ва шоирлари қаламига мансуб насрий, назмий асарларининг рус тили воситасида ўзбек тилига таржима қилинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, амалга оширилган таржималар асосан 3 форматда:

- 1) турли нашриётлар ва олий таълим муассасаси босмаҳоналарида китоб шаклида;
- 2) олий таълим муассасаларида тайёрланган тўплам шаклида;
- 3) давлат томонидан таъсис этилган журналлар (“Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи” каби журналлар)да ҳамда илмий журналлар (“Шарқ машъали”, “Ўзбек тили ва адабиёти” сингари журналларда) рукн остида берилган таржима намуналари шаклида чоп этилган.

Билвосита таржима намуналарини шунингдек, 1997-йил Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгаши таъсислигида ташкил этилган “Жаҳон адабиёти” адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журналида топиш мумкин.

Натижалар. Тадқиқот жараёнида ҳар ойда бир марта чоп этилиб келинаётган ушбу журналнинг 1997 йилдан то ҳозирги 2024 йилга қадар барча сонларини кўриб чиқилди. Натижада ўзбек тилига таржимаси билвосита ва бевосита амалга оширилган бир нечта адабиёт намуналари аниқланди. Мазкур насрий асарлар таржимаси 1-жадвалда ҳамда назмда яратилган асарлар таржимаси 2-жадвалда ўз аксини топган.

1-жадвал. “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган хитойча насрий асарлар таржимаси

№	Асар муаллифи	Асар номи ёки руқн номланиши	Таржима тили	Таржимон	Журнал сони, нашр бети
1.	Чжао Е, Гэ Хун, Лю Ицин, Ин Юн, Хоу Бо, Чэнь Сюанью, Шэн Цзицзи, Ли Гунцзо, Пэй Син, Ли Фуянь, Фан Цяньли, Чжан Цисянь, Шэн Фу	Қадимги Хитой насри (қиссалар, ҳикоялар, масаллар)	рус тили	Озод Шарафиддинов	1999 №3, 79-126
2.	Пу Сунглинг	Хитой новеллалари	хитой тили	Жасур Зиямухамедов	2004 №7 109-119
3.		Хитой халқ мақоллари	кўрсатилмаган	Азизхон	2004 №8 162-167, №10 206-208, №12 199-203
4.	Лу Син	Бир жиннининг хотиралари (ҳикоя)	рус тили	Миразиз Аъзам	2007 №8 115-123
5.	Чжан Жун	Ёввойи оққушлар (Хужжатли қисса)	рус тили	Файзи Шоҳисмоил	2008 №3 79-141
6.	Конфуций	Олий одам рўёми, рўёб? (“Ҳикматлар”дан)	хитой тили	Севара Алимжанова	2013 №9 115-117

7.	Мо Ян	Мусаллас мамлакати	хитой тили, рус тили	Амир Файзулло, Севара Алимжанова	2014 №10 4- 76, №11 30- 133, №12 24- 104
8.	Лю Цзун	Илҳом манбаи (бадиа)	рус тили	Маҳкам Маҳмудов	2014 №10 175-176
9.	Ли Шанин	Ҳикматли мансуралар	рус тили	Музаффар Аҳмад	2014 №10 177-179
10.	Сюй Дишан	Қайтиш (ҳикоя)	рус тили	Лола Шоимова	2014 №10 180-185
11.	Лу Синь	Ланьчжоудаги учрашув (ҳикоя)	рус тили	Олим Отахон	2017 №10 77-88
12.	Лу Сун	А Кюннинг ҳақиқий тарихи (кисса)	хитой тили	Севара Алимжанова	2022 №12 46-78

2-жадвал. “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган хитойча назмий асарлар таржимаси

№	Асар муаллифи	асар номи ёки руқн номланиши	Таржима тили	Таржимон	Журнал сони, нашр бети
1.	Лю Чжень, Се Ань, Гу Кайчжи, Се Линьюн, Бао Чжао, Лу Кай, Шэнь Юэ, Чжигуй Кун, Се Тяо, Вэй Ину, Хэ Сюнь	Қадимий Хитой шеърляти	рус тили	Турсун Али	2004 №8 140- 146
2.	Ма Чжиюан	Қишлоқ кундузлари сокин ва узун	рус тили	Турсун Али	2011 №5 26-29, 2019 №11 124- 130
3.	Халқ кўшиқлари, Ван Вэй, Ли Бо, Ду Фу, Бо Цзюйи, Ли Цинчжао	Хитой шеърляти	рус тили	Нодира Абдуллаева	2014 №10 167-172
4.	Чжан Кэцзю	Хитой шеърляти	рус тили	Турсун Али	2014 №10 172- 174
5.	Лю Чжень, Се Ан, Гу Кайчжи, Се Линьюн, Бао Чжао, Су Ши, Лу Ю	Хитой мумтоз шеърляти	рус тили	Турсун Али	2018 №11 45-52

6.	Гуан Ханьинь, Цяо Цзи, Чжан Кэцзю	Хитой шеърляти	рус тили	Турсун Али	2022 №2 89-99
7.	Жу Юанжан	Юз сўз (қасида)	рус тили	Зухриддин Исомиддинов	2024 №5 30-32

Муҳокама. “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган хитой адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржималарининг аксарияти билвосита рус тилидан амалга оширилган бўлиб, таржималардаги бадиийлик юқори савияда бажарилганлигини эътироф этиш лозим. Атоқли адабиётшунос, бадиий танқидчи ва моҳир таржимон Озод Шарафиддинов “Қадимги Хитой насри” (ЖА, 1999 №3, 79-126) рукни остидаги хитойча қисса, ҳикоя ва масаллар таржимасини рус тилидан ўгирган бўлиб, ушбу таржималарнинг асл нусха билан қанчалик мос эканлиги борасида чоғиштира тадқиқотлар олиб бориш мумкин. Изланишлар жараёнида ушбу таржима 1989 йили “Правда” нашриётида рус тилида чоп этилган “Путь к Заоблачным Вратам. Старинная проза Китая” (Булуторти дарвозаларига йўл. Қадимги Хитой насри) тўплами [3]дан олинганлиги аниқланди. Тўплагма I-XVII-асрлардаги Хитойдаги ҳикоя насрининг энг ёрқин намуналари киритилган.

Журналда нашр этилган яна бир диққатга сазовор Чжан Жуннинг “Ёввойи оққушлар” ҳужжатли қиссаси (ЖА, 2008 №3 79-141) ҳам ўзбек тилига рус тили воситасида ўгирилган бўлиб, қиссанинг рус тилидаги матни “Иностранная литература” журналининг 2005 йил 9-сонидан жузъий қисқартиришлар билан олинган. Хитой тилидан русчага Роман Шапиро, русчадан ўзбек тилига Файзи Шоҳисмоил таржима қилган. Шу сингари билвосита таржимада юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва камчиликлар алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Машхур ўзбек адибларимиз қаламига мансуб асарларнинг таржимаси борасида, Х.Ҳамидов таржималарнинг салмоқли қисми турк тилига ағдарилган асарлар бўлса, бошқа тиллар, жумладан, хитой тилига ўзбек ва хитойлик ижодкорларнинг меҳнати шарофати билан таржима қилинган асарлар ҳам кўплигини таъкидлаб, булар орасида хитой тилига ўгирилиб, Ўзбекистонда ва Хитойда нашр этилган Абдулла Қодирий, Ойбек, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов сингари атоқли ўзбек адиблари қаламига мансуб машхур асарлар ҳам бор [4,389]лигини кўрсатади.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари хитой тили ва рус тилидан таржима қилинган бўлиб, мазкур романлар Сичуан чет тиллар университети профессори, филология фанлари доктори Ди Сияося ва бошқа хитойлик таржимонлар ҳамда Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институти

директори, филология фанлари доктори, профессор Саодат Носирова томонидан хитой тилига таржима қилинган.

Ўткир Хошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари Тошкент давлат шарқшунослик университети катта ўқитувчиси PhD Ноиба Валиева, “Нур борки, соя бор” асари тадқиқотчи Дилдора Исмоилова бевосита хитой тилидан таржима қилинган.

Одил Ёқубовнинг “Диёнат” романи хитойлик таржимонлар Су Жоусионг ва Гао Чанг томонидан рус тилидан ўзбек тилган амалга оширган таржимаси 1982 йили Пекин нашриётида чоп этилган.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қаламига мансуб “Навоий” романининг хитойлик таржимон Ванг Женгжонг томонидан билвосита уйғур тилидан хитой тилига ўтирилган наشري 2005 йили Синжон халқ нашриётида чоп этилган.

Шу ўринда ўзбек ва хитой адабий алоқаларинининг ривожланишига ҳисса қўшган Хитой фалсафий асарларнинг ҳам таржимаси масалаларини тилга олмай бўлмайди. Қадимги хитой мутафаккири Конфуций қаламига мансуб машҳур “Лун юй” асарининг ўзбек тилидаги 4 та наشري кузатилди: Мажид Махмутходжаев ва Наргиза Исматуллаевалар таржимаси (“Сухбат ва мулоҳазалар”), Илҳом Қосимовнинг таржима ва изоҳ китоби (“Муҳокама ва баён”), Мухтор Худойкуловнинг эркин таржимаси (“Олдин ўзингга бок”), рус тилидан Ойбек ва Комилжон Жўраевлар таржимаси (“Ҳикматлар”) [5, 245]. Яна бир хитой файласуфи Лао-зининг “Дао Дэжинг” асари ўзбек тилига Илҳом Қосимов (“Дао. Фазилатлар китоби”) томонидан амалга оширилган.

Хулоса. XX-аср ўрталаридан мустақиллик даврига қадар хитой адабиёти намуналарининг ўзбек тилига таржимаси аксар рус тили воситасида амалга оширилган бўлиб, ўзбек халқининг шарқ адабиёти билан билвосита таржима усули ёрдамида яқиндан танишганлигини яққол кўрсатади. Мустақиллик йилларида ўзбек адабиёти дурдона асарларининг хитой тилига таржима ишлари аста қадамлар илгарिलाётганлиги кузатилади. Шунингдек, таржимачилик фаолияти ривожига ҳиссаси катта бўлмиш журналларда наشر этиладиган таржима асарларининг нафақат, бадиийлик сифати, балки бевоситалилик жиҳатига жиддий эътибор берилиши таржиманинг аслиятга мослиги даражасининг юқорилашишини таъминлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ismatullayeva, N. (2022). Chet tiliga o'rgatishda tarjimoni o'quv jarayonida qo'llash masalasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 28), 224-229.

2. Ҳамидов, Х. Х. (2022). Ўзбек тилидан хитой тилига бадиий асарлар таржимаси—долзарб масала. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 26), 440-443.

3. Hamidov, X. X. (2023). Abdulla Qodiriy asarlari tarjimasini qiyinlashtiruvchi omillar xususida. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(21), 388-392.

4. [Лин Сюань. Путь к Заоблачным Вратам. Старинная проза Китая. \[https://royallib.com/read/lin_syuan/put_k_zaoblachnim_vratam_starinnaya_proza_kit_aya.html#0\]\(https://royallib.com/read/lin_syuan/put_k_zaoblachnim_vratam_starinnaya_proza_kit_aya.html#0\)](https://royallib.com/read/lin_syuan/put_k_zaoblachnim_vratam_starinnaya_proza_kit_aya.html#0)

5. Исматуллаева, Н. (2022). Конфуцийнинг “сухбат ва мулоҳазалар” асарида дао атамасининг фалсафий талқини. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 23), 244-248.

Манбалар ва интернет сайтлари:

•阿依别克—纳沃依。— 新疆人民出版社，2005 年。— 456 页。(Oybek. Navoiy. — Sinjiang xalq nashriyoti. — 456 b.)

•阿卜杜拉 —卡迪里。往昔。— 北京：中国社会科学出版社，2019。— 381 页。(Abdulla Qodiriy. Oʻtkan kunlar. (Tarjimon: 邸小霞 Dǐ Xiǎoxiá). — Pekin: Xitoy ijtimoiy fanlar nashriyoti, 2019. — 381 b.)

•阿卜杜拉 —卡迪里。祭坛之蝎。— 北京：中国社会科学出版社，2024。— 298 页。(Abdulla Qodiriy. Mehrobdan chayon. (Tarjimonlar: Nasirova Saodat, 邸小霞 Dǐ Xiǎoxiá、姜苹哲 Jiāng Píngzhé、赵馨雨 Zhào Xīnyǔ、张曹谜 Zhāng Cáomí). — Pekin: Xitoy ijtimoiy fanlar nashriyoti, 2024. — 298 b.)

•偶特克儿—哈使莫负。生活琐事。塔什干：塔什干国立东方大学，2021 年。— 180 页。(Oʻtkir Hoshimov. Dunyoning ishlari. (Tarjimon: Valiyeva Noiba). — Toshkent: TDSHU, 2021. — 180 bet.)

•乌特科尔—哈西莫夫。有光必有影。塔什干：Bayoz，2022。— 280 页。(Oʻtkir Hoshimov. Nur borki, soya bor. (Tarjimonlar: Dildora Ismailova, 赵蓉 Zhào Róng, 管玉红 Guǎn Yùhóng). — Toshkent: “BAYOZ”, 2022. — 280 bet.)

•爱迪尔—雅库波夫。良心。— 北京：北京出版社，1982。— 393 页。(Odil Yoqubov. Diyonat. (Tarjimonlar: 粟周熊 Sù Zhōuxióng, 高昶 Gāo Chǎng). — Pekin: Pekin nashriyoti, 1982. — 393 bet.)

•Жаҳон адабиёти. Адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал. — Тошкент, 1997-2024.

- Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар. / Махмудходжаев М., Исматуллаева Н. таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
 - Конфуций. Муҳокама ва баён. Хитой тилидан И.Қосимов таржимаси ва изоҳи. – Т.: Янги аср авлоди, 2013.
 - Конфуций. Ҳикматлар. Русчадан О.Жўраев, К.Жўраевлар таржимаси. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.
 - Конфуций. Олдин ўзинга бoқ (Ҳикматлар). М.Худойкуловнинг эркин таржимаси. – Т.: Наврўз, 2013.
 - Лао-зи. ДАО. Фазилатлар китоби. И.Қосимов таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2020.
 - “О‘ткан кунлар”нинг хитой тилидаги нashри taqdim etildi. https://uza.uz/oz/posts/otkan-kunlarning-xitoy-tilidagi-nashri-taqdim-etildi_493227
 - “О‘ткан кунлар” va “Mehrobdan chayon” romanlari xitoy tiliga tarjima qilindi. <https://uzreport.news/society/o-tkan-kunlar-va-mehrob-dan-chayon-romanlari-xitoy-tiliga-tarjima-qilindi>
 - “О‘ткан кунлар” va “Mehrobdan chayon” romanlari xitoy tiliga tarjima qilindi. <https://kknews.uz/oz/190098.html>
- Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» асари хитой тилига таржима қилинди. <https://diyor24.uz/54300>

VII TARJIMASHUNOSLAR
FORUMI - 2024

XALQARO ILMIY-AMALIY

konferensiya

14-DEKABR, TOSHKENT



CERTIFICATE OF APPRECIATION



Dr. Nargiza ISMATULLAYEVA

From TSUOS (Tashkent, Uzbekistan) has presented paper entitled “ЎЗБЕК ВА ХИТОЙ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ: БАДИИЙ ТАРЖИМАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ” in the international conference "VII Translation Forum - 2024" organized by the Department Translation Studies and International Journalism, TSUOS on 14 December 2024.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14600458>

14.12.2024
Date.M.Yea

